

МАУНО КОЙВИСТО ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Финляндия Республикаси Президенти Мауно Койвисто жаноблари бошчилигидаги Финляндия ҳукумати делегацияси 30 сентябрь кун Узбекистонга расмий ташриф бурди.

Финляндия ва Узбекистон байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида меҳмонларни Узбекистон Республикаси



Президенти И. Қаримов, Узбекистон Республикаси Олий Кеңаши Раиси Ш. Йўлдошев, Узбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат котиби Р. Ражабов ва бошқа расмий кишилар кутиб олишди. (УЗА).

Финляндия делегацияси аэропортга тушиши биланоқ икки мамлакат Президенти — Мауно Койвисто ва Ислам Қаримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар. Мухбирларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Шунингдек, Финляндия Республикасини Президентини матбуот учун қисқача баёнот берди. Узбекистонга ташрифини бошлай туриб, ўз номидан ва мени кузатиб келганлар номидан шун айтмоқчиманки, деди Мауно Койвисто, Президент Ислам Қаримовнинг мени ва рафиқамни республикамизга келишига таклиф қилганлигидан беҳад миннатдорман. Узбекистонга ташрифимдан мақсад мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада мустақамлашдир.

Финляндия билан Узбекистон СССР тарқамай туриб ҳам яқиндан борди-келди қилар эди. Биз бу регион билан нисбатан кенг даражада савдо алоқалари олиб борардик. Фин сайёҳлари доимо Узбекистоннинг диққатга сазовор тарихий обидаларини кўриш иштиёқида бу ёқларга интильганлар. Бундан тўққиз йил илгари менинг турмуш ўртоғим

ва қизим ҳам юртингизга келиб кетган эдилар.

Энди биз Узбекистон билан янада кенгроқ асосларда сиёсий алоқалар ўрнатиш ниятимиз бор. Келгуде турли соҳалар бўйича кўп қиррали, қизгин савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатишга ҳаракат қиламиз.

Мен Президент Ислам Қаримов билан Финляндияда икки марта учрашшига муваффақ бўлдим. Утган баҳорда хавфсизлик ва ҳамкорлик юзасидан Хельсинки яқунловчи шартномасига имзо чекилди ва натижада Узбекистон ЕХҲКга аъзо бўлди. Иккинчи марта биз Хельсинкида ЕХҲКда иштирок этувчи давлатлар олий учрашувида кўришдик. Ушбу учрашувлар бизга халқаро сиёсатнинг айрим масалалари, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама мунсабатлар хусусида ўзаро фикр алмашиш имконини берди.

Мауно Койвистон сўзининг охирида мазкур ташрифи чоғида ана шу фойдали фикр алмашувларни давом эттиришни, Узбекистон тарихи ва бугунги кунини, шунингдек, республиканинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти билан танишишни катта қизиқиш билан кутаётганлигини баён қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Вазирлар маҳкамасида

Собиқ иттифоқдош республикалар ҳудудида бозор мунсабатларига ўтиш, нархларга эриши туе бериш шартинда Ўзбекистон Республикасини ички бозорини ҳимоя қилиш зарурати вужудга келди.

Мавжуд ресурсларни сақлаб қолиш, аҳолини озиқ-овиқат маҳсулотлари ва халқ истаёмоли моллари билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, республиканинг қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятининг олий идоралари хом ашё, қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотларини республикадан ташқарига олиб кетишни тартибга солиш билан бир қанча қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасини Президентининг топшириғига биноан Вазирлар маҳкамаси маҳсулотларни республикадан ташқарига олиб кетиш юзасидан белгиланган тартибин вазирлар ва идоралар, маҳаллий бошқарув идоралари қандай бажарётганини кўриб чиқди ҳамда «Товар-моддий бўйликларни Ўзбекистон Республикасиндан ташқарига олиб кетиш қондалари жиғиди бузилаётгани ҳақида» қарор қабул қилди.

Қарорда таъкидланганидек, кўрилган чоралар қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотларини республикадан ташқарига гаирқонуний йўл билан олиб кетишни қаматиришни таъминламайти. Йил бошидан бун белгиланган тартибни 10 минг мартадан кўпроқ бузиш ҳоллари аниқланди, бунда 707 миллион сўмлик маҳсулотни республикадан ташқарига олиб кетишга ҳаракат қилинган.

Пахта толеси, пахта, пилла, жун ва бошқа қimmatли қишлоқ хўжалик хом ашёсини, республика четга сотади-

ган рангли металлларни Ўзбекистон Республикасиндан ташқарига олиб чиқишда сунистемолларга йўл қўйилмоқда.

Шу даврда 214 миллион сўмлик пахтачилик маҳсулотларини гаирқонуний йўл билан олиб кетишга уринишларга чек қўйилди.

Истеъмол бозориде кескин аҳвол юз берган бир пайтида валюта эвазига сотиб олинган чой, қанд-шакар, ун каби озиқ-овиқат маҳсулотларини, халқ истаёмоли молларини, шунингдек сўмлик ёғни, сарғер, асал, ҳамда таллаб катта бўлган бошқа молларни, шу жумладан бинокорлик материалларини, металл конструкциялар ва техника ускуналарини республикадан ташқарига олиб чиқиш кетишга уриниш ҳоллари давом этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

* Узбекистон Республикаси Конституцияси лоийҳаси — умумхалқ муҳокамасида ЎЗ КУЧИНИ САҚЛАБ ҚОЛСА...


ХАЛҚИМИЗНИНГ Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик байрамининг бир йиллигини кенг нишонлаганига ҳам бир ой бўлди. Албатта, ана шу Мустақиллик туғайлиғида Ўзбекистоннинг бутун жаҳон таниди. Чунки ўтган бир йил мобайнида Ўзбекистон истаёмоли юзлаб давлатларнинг тан олиши, ҳудудимизда ўнлаб элчионаларнинг фаолият бошлаши, хоржий давлатларга тўғридан-тўғри ҳаво йўллариини очилиши, қўшма корхоналарнинг тобора кўпайиб бораётгани ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Албатта, ҳар бир ҳуқуқий давлатнинг ўз қонун-қондаси бўлиши шарт. Шундай экан бизнинг давлатимиз ҳам бундан мустасно эмас. Шу сабабдан матбуот орқали Ўзбекистон Республикасини Конституцияси лоийҳасининг умумхалқ муҳокамасига ҳавола қилиниши барча ватанпарвар инсонлар қаби биз кеңсаларини ҳам ниҳоятда қувонтирди. Биз учун айниқса «Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар» бобидаги 38-моддада келтирилган «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек бонқувчисидан маҳрум бўлганда

ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тартиқчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас», деган гаиларнинг киритилганлиги айни мuddоа бўлган. Тўғри, лоийҳага ҳали айрим ўзгаришлар киритилар, аммо ўйлаймики мазкур бобдаги ушбу модда ўз кучини сақлаб қолади.

Исроил АБДУРАҲИМОВ,
нафақахўр.



«Фотон» бирлашмасида кўплаб илгану-чан кишилар ишлашди. Суратда тасвирланган Дилфуза Меҳмонова шу бирлашманинг 13-цехида меҳнат қилади. У зининг ҳалол меҳнати билан ҳамкасбларининг ҳурмат-эътиборини қозонган. Андрей Пиншино сурати.

* Меҳнат жамоаларида КИЧКИНА БЎЛИМНИНГ КАТТА ИШИ

— Корхонамизга жами 2000 хилдан ортиқроқ ускуналарни етказиб беримиз, — дейди бўлим бошлиғи Владимир Ляховский — Асосий маҳсулотимиз бўлган олмосни Львов шаҳридан, бургу ва кескич ва кичик ҳамдаги зғовларни Полтава, Санкт-Петербург, Ереван ва Шимолий Осетиянинг бир қанча шаҳарларидан олиб кетамиз. Буни олиб келишга шахар ҳокимлиги кўпроқ ёрдам беради. Негаки, йўл ҳавоакатиде мушкул ишга улар кўпроқ бош-қош бўлишади. Асосий ҳужжатларни эса биз илдан игнасиғача шартнома асосида аниқлаштириб, ҳокимликка хабар қиламиз. Ана шундан сўнг корхона маблагини оз бўласада тежаган ҳолда қилинган бурютмалар етиб келади.

Ҳозир ҳаммамиз бозор иқтисодиётининг энг қийин даврларини, бошимиздан кеңиряпмиз. Биз билан шартномалашган корхоналар аввалига бераётган ускуналарнинг нархини оширишди. Кейинги вақтда эса умуман бермай ҳам қўйишди. Биз тузилган шартномаларни бекор қилиб, ўринга янги корхоналар билан ҳамкорлик қила бошладик. Вильнос ва Рига шаҳарларидаги корхоналардан умуман асбоб-ускуналар олмай кўндик. Ҳар қандай шартот бўлишига қарамай бир кун ҳам заводимизда иш тўхтагани йўқ. Мана шу бизларнинг энг катта ютуғимиздир. Йил бошига нисбатан ҳозирги кунда қилаётган ишларимиз ва эришяётган ютуқларимиз чакки эмас.

Нарзулла ҲАМРОЕВ.

Кўнзил Ярим ой жамиятининг Чилонзор район комитети ногиронларнинг ўн нафарини ўз ҳисобидан «Тошкент оқшомини» газетасига обуна қилди.

Энди бундан буён Дилбар Фазилдинова (кўп болали), Малика Гулмидинова, Евгений Гуловлар ва бошқалар йил бўйи «Тошкент оқшомини» газетасида бериб борилаётган хабарлар, мақолалар ва жонли сўхбатлардан баҳраманд бўлиб борадилар.

Ҳудди шу кун Чилонзор район ҲДП кеңаши аъзоларидан 16 киши ҳам, шу жумладан 4 киши «Тошкент оқшомини» биринчилардан бўлиб ёзилдилар.

Худойназар ҒОНИПОВ.

* Обуна-93 * Обуна-93 * Обуна-93

Қарияларни унутишмади

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ

Уруш ва меҳнат фахрийси Сайфуддин ака Иброҳимов билан суҳбатимиз обуна хусусида бўлди.

— Керакли тошини оғирлиги йўқ, дейди халқимиз. Шундай экан, ҳар йилдагидек ўрганиб қолган газетам «Тошкент оқшомини»га обуна бўлдим, — деди мамнуният билан у.

— Уша 1966 йилдан бери «Тошкент оқшомини» газетасига обуна бўлиб келаман. Газета менин энг яқин суҳбатдошим. Фахрий бўлигим учунми менга овуноқ — ўрганган кўнгил, деганларидек Нархи ошган бўлса-да мен уни торк этмайман, ярим ойлик нафақа пулимин аямасам, бир йил газета ўйр эканман, — дейди Турсуной Маҳмудова.

Учинчи суҳбатдошим фахрийдаги адабиёт ўқитувчиси Муперраҳ Абдуллаева бўлдилар.

— Болалар дарвор «Тошкент оқшомини»га ёзилиш экан, мен ўз нафақамдан ўрганиб қолган газетам «Ўзбекистон адабиёти ва санъатига» ёзилдим, — дейди Муперраҳ опа.

Ҳа, мен суҳбатлашган учала меҳнат фахрийлари ўз нафақаларидан 1993 йил учун газетамга обуна бўлишган экан, уларнинг маънавиятини ўйлаб иш кўрганликларидан ич-ичидан қувондим.

Саъдулла СУЛТОНОВ.

Илтижоли хатлар

Ўриндиқ одамдан азиэми?

БИЗ ўзбекларда кеңсаларини, айниқса ногиронларни ҳурмат қилиш азалий одатимиздир. Транспорт бекатларида ҳам уларни назарда тутиб ўриндиқлар қўйилди. Аммо кейинги пайтда бунга етарли эътибор берилмаётганининг гувоҳи бўлаёмиз.

Имнингидир буйруғи билан пойтахтимизнинг Вайналмидал кўчасида жойлашган 128-мақсат қаринидаги ва Фарҳод бозори бекатидеги ўриндиқлар олиб ташланди. Сабобини ҳеч ким билмайди. Бирор зарурат билан кўчага чиққан ёни бозорга келган қариялар, ногиронлар

Яна бир бор эслатиб ўта-миз:

- Бир йиллик обуна нархи — 310 сўм.
- Олтин ойга — 255 сўм.
- Уч ойга — 127 сўм 50 тайини.
- Бир ойга — 42 сўм 50 тайини.

«Тошкент оқшомини» Ўзбекистонда атиги уч-тўрт нашрлар қаторида ҳафтасига беш мартадан чиқадиган газета эканлигини унутманг!

Неҳоқ ИСМОИЛОВ,
меҳнат фахрийси.

Илгари хабар қилганимиздек, шу йилнинг 2—4 октябрь кунлари Тошкент шаҳар ҳокимлиги совринлари учун велоспорт бўйича «Тунги критериум» Халқаро анъанавий мусобақалари бўлиб ўтди. Бир неча йил муқаддам велосипед спорти жонқурларни ташаббусчи билан уюштирилган мазкур мусобақалар собиқ Иттифоқнинг энг кучли спортчилари диққатини торган, унда Россия, Украина, Урта Осиё ва Қозғоғистон республикалари жамоалари иштирок этиб келардилар. СССРнинг парчаланиб кетиши, мамлакат ҳудудидеги мураккаб, чигал аҳоли, иқтисодий таназзул анъана тусига кириб қолган «Тунги критериум»нинг ўтазилиши ёки ўтказилмаслиги масаласини кун тартибига қўйди. Шаҳар Ҳоким

асосан мусобақа қатнашчиларини учун спорт мойнаклари ва сумна калари тикниш оқлатилган бўлса, «ОНИКС» (аввалги «Миниконда») ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсус бююртма асосида голблар учун совринлар тайёрламоқда.

энг кучли спортчилари ҳам мустакил жамоа сифатида иштирок этиш истагини билдирдилар.

Ўзбекистон мазбон сифатида бир неча йилки жамоаларини тавсия этмоқда. Булар: шоссе ва трек пойғаси бўйича

Мустақиллик майдониде 3,5 ва 120 километрга ҳалқа бўйлаб айланма пойғада қатнашадилар.

4 октябрь кунини соат 19 да 12 та оралик марра билан 24 айланма давра давом этадиган (ҳар бир давра 2,6 километр) «Тунги критериум» пойғаси бошланади.

Олтинчи оралик маррага биринчи бўлиб келган велоспортичи, марҳум, кизмат кўрсатган спорт устаси А. Юдин хотира соврини соҳибни бўлади.

Нима учун мусобақалар «Тунги критериум» деган савол туғилиши мумкин. Чунки асосий пойғалар Тошкентнинг тун қоронғуси чўккан кўчалариде бўлиб ўтади.

Мусобақалар дастури. 2—3 октябрь кунлари спортчилар

Тошкент шаҳар ҳокимлиги соврини учун
УЧРАШУВ ЖОЙИ—МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ

шаҳарда ушбу тадбирни юқори савияда ўтказиш учун қизгин тайёргарлик кетмоқда.

«Малика», «Орзу» чарм-ат-торлик ва спорт бююларини ишлаб чиқариш ижара бир-нишадилар. Бундан ташқари лашмаларига Тошкент шаҳар спорт комитети бююртмасига

Энди бевосита мусобақалар дастури ва иштирокчилари хусусида.

Бу йилги бахсларда собиқ Иттифоқдош республикаларнинг миллий жамоалари қатнашадилар. Бундан ташқари Хўжанд, Чимкент шаҳрининг

Ўзбекистон миллий терма жамоалари, шоссе ва трек пойғаси бўйича Ўзбекистон касабаяошмаларининг терма жамоалари, Тошкент шаҳри ва вилоятини яқинларини.

Мусобақалар дастури. 2—3 октябрь кунлари спортчилар

Шухрат АРМОН.

«Тошкент оқшомини»га обуна давом этмоқда

Газета—муштарий—газета

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу билан бир вақтда, Вазирлар маҳкамасининг таъкидлашча, Ўзбекистонда, Ўзбекистон нефть маҳсулотлари концерни, «Узгосметкомерс», «Узхлопкопром» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятлари раҳбарлари республика ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши ҳамда Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларининг ҳокимиятлари товар-моддий бойликларни жунатиш устидан қаттиқ назорат ўрнатилганлиги таъкидланади.

Айрим вазирликлар, идоралар, концернлар, маҳаллий бошқарув идоралари зарур ҳужжатларни пухта ўрганишга, товар-моддий бойликларни олиб чиқиш кетишига рухсатнома бермоқдалар, иккитомна бериш ҳуқуқидан қандай фойдаланиётганини сўз назорат қилмоқдалар. Махсулот олиб чиқиш кетишига рухсатнома бериш ўзларининг иши бўлса ҳам бундай рухсатни олиш учун аризачиларни кўпинча юқори идораларга юбориб ортунча сансолоҳликни вузудга келтирмоқдалар.

Қарорда давлат божхоналар қўмитети ишидаги нуқсонлар ҳам ўрнатилган. Божхоналар қўмитети вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари билан муштаҳкам алоқа ўрнатмаган. Қўмитет ҳодимлари орасида олиб бориладиган ишлар, ҳодимларни танлаш ва жой-жойга қўйиш аниқлашга муҳтоқ.

Божхоналар томонидан мусодара қилинган товар-моддий бойликларни сотиш юзасидан шу вақтгача аниқ тартиб ва қаттиқ назорат таъминланмаган.

Қарорда таъкидланганича, оммавий ахборот воситалари ички бозорни ҳимоя қилиш муаммоларини, божхоналарнинг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ва маҳаллий бошқарув идораларининг бу соҳадаги қандайдир фаолиятини етарли даражада ёритмапти.

Ҳукумат қарорлари бажарилишини таъминлашга назорат қилишни таъминлашга, белгиланган тартибда наъвий риол этилишини таъминлашга узил-кесил чоралар кўрмаса, бу ишда катта нуқсонларга йўл қўйилган. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ҳокимиятининг биринчи ўринбосари ўртоқ К. Н. Ортинқуроловга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. Бундай воқеаларга яна йўл қўйилган тақдирда унинг лавозимида қўлиш қолмаслиги масаласи кўрүнб чиқилди. Ҳақида огоҳлантирилди.

Самарқанд шаҳри ҳокимиятининг ўринбосари ўртоқ Ф. Н. Ғиёсов қаттиқ огоҳлантирилди.

Самарқанд вилояти ҳокимиятининг биринчи ўринбосари ўртоқ Т. Р. Қилчов, Андижон вилояти ҳокимиятининг биринчи ўринбосари ўртоқ М. А. Алимов бу ишда камчиликларга йўл қўйганини кўрсатиб ўтдилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашига давлат божхоналар қўмитетининг товар-моддий бойликларини республикадан ташқарига олиб чиқиш тартибидан таъминлаш ишидаги камчиликлар ҳақидаги материалларни асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Д. Н. Шамшатовнинг шахсий жавобгарлиги тўғрисидаги маълумотни кўриб чиқиш кетиши қарор қабул қилиш топширилди.

«Узгосметйўл» концерни, «Ўзпахтасаноат» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узлегнабобит» бош бошқармаси, «Ўзшартномасавдо» давлат уюшмаси, «Ўзбек нефтьмаҳсулот» концерни, «Ўзбексавдо», Ўзбекистонда, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиаконкомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль транспорти вазирлиги раҳбарлари ҳам ўзларига қарашли корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар махсулотини олиб чиқиш тартибига риол этишларини ушун шихсан жавобгар эканликларини ҳақида қаттиқ огоҳлантирилди. Уларга ҳам ашё ва махсулотларни гафривоний йўл билан олиб чиқиш кетишига кўмаклашганга, ана шу мақсадлар учун транспорт ажратиш чоғида сунистеъмолга

йўл қўйган шахсларга нисбатан энг қаттиқ чоралар кўриш зарурлиги айтилди. Вазирликлар ва идораларнинг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятларининг раҳбарларига, ўзларига қарашли корхоналарда, аввало кичик ва кўшма корхоналарда, ташкилотларда, муассасаларда товар-моддий бойликларни республикадан ташқарига олиб кетиш билан боғлиқ ишларнинг аҳолининг чўқур таҳлил этиш, гафривоний йўл билан махсулот олиб кетиш ҳолларини бутунлай истисно қиладиган узил-кесил чораларини кўриш, транспортдан фойдаланиш қондалари устидан тегишли назоратни амалга оширмаган раҳбарларни лавозимидан бўшатишга жазолаш топширилди.

Вазирлар маҳкамаси «Ўзшартномасавдо»га тегишли вазирликлар ва идоралар, маҳаллий бошқарув идоралари билан биргаликда бир ой муддатда ҳам ашё ва махсулотларни гафривоний йўл билан олиб чиқиш кетишининг олдин олишти, мусодара қилинган товар-моддий бойликларни сотиш устидан қаттиқ назорат ўрнатилганга, вазирликлар ва идораларнинг, маҳаллий бошқарув идораларининг республика ички бозорини ҳимоялаш ишларини мувофиқлаштиришга доир маъмурий ва иқтисодий чораларини кўзда тутидиган тақдирда Вазирлар маҳкамасига тақдим этишни топширди.

Ўзбекистон Республикаси давлат божхоналар қўмитетига ўз фаолиятини асосан ҳам ашё, қиллоқ ҳўналик ва саноат махсулотлари гафривоний равишда олиб кетилишининг олдин олишти қарорини топширилди. Олиб кетилаётган юкларнинг декларациясини тўдирилдишда ва бу махсулотларни олиб кетиш қонунчилигини таъкидлайдиган ҳужжатларни текшириш, республикадан ташқарига юк ташиндиган автотранспорт воситаларини, темир йўл воситаларини, самолётлар ва дарё кемаларини текшириш ишида юксак маҳорат таъминлансин, ушлаб қўлинган юкларнинг сақланишини ва белгиланган тартибда топширилишини таъминлайдиган амалий чоралар кўрилинсин.

Тегишли рухсатнома олмай туриб, махсулотларни олиб чиқиш кетишига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида меҳнат жамоалари орасида, истиқомат жойларига, оммавий-ахборот воситалари орқали тушунтириш ишлари мунтазам олиб борилинсин. Ҳодимлар билан ишлашни, уларни танлаш ва жой-жойга қўйишни аниқлаш, хизмат мавқеини сунистеъмол қилишни, божхона хизмати ҳодимлари ваколатларини ошириб юборишни истисно қилиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Қарорда божхоналар қўмитети вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятлари билан муштаҳкам алоқани таъминлаш, уларни тез-тез хабардор қилиб туриши, республикадан ташқарига олиб кетилаётган товар-моддий бойликларни биргаликда муҳофиза қилиш ва уларнинг ҳар бири юзасидан тегишли чоралар кўриш лозимлиги таъкидланди.

Вазирлар маҳкамаси Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига, Ўзбекистон давлат телекўрсатув ва радиотелекўрсатув компаниясига, республика газеталарининг муҳаррирларига ички бозорни ҳимоя қилиш муаммоларини, махсулотларни гафривоний олиб кетиш ҳолларига доир материалларни тез-тез ёритишни тавсия қилди.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги давлат назорати қўмитетига, Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига, Ўзбекистон Республикасининг Олий судига қўйилганга риол этилишини ва республика ҳукуматининг ички истеъмол бозорини ҳимоя қилишга доир қарорларининг бажарилишини, судларнинг товар-моддий бойликларни гафривоний равишда олиб кетиш ҳақидаги ишларни кўриб чиқишга доир фаолиятини назорат қилиб боришни кўчатириш ва бу назоратни қаттиқ йўлга қўйиш зарурлиги, махсулотларни гафривоний равишда олиб кетиш сабабларини аниқлаш ва бунга кўмаклашган шахсларни жавобгарликка тортиш учун оператив чоралар кўриш тўғрисида мурожаат қилди.

Маъмур қарорининг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари — Вазирлар маҳкамасидаги мажмуаларнинг раҳбарлари зиммасига юклатилди.

ҚИШ ТАЙЁРГАРЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

УЙ-ЖОЙЛАР ШАЙМИ?

ҲАММАГА маълумки, шаҳар ҳўжалигини қишга тайёрлаш шу ишга тааллуқли барча ташкилот ва корхоналар учун ўзига хос имтиҳондир. Бу айниқса шаҳар уй-жой бошқармасига тааллуқлидир. Чунки қиш мавсумида пойтахтимиздаги барча турар жой биноларида томлардан чакка ўтмаслиги, ертўпларда сув тўлиб ётмаслиги, хонадонларда қувурлар ёрилиб кетмаслиги ана шуларга боғлиқ.

Ҳўш, шундай экан, бу бошқарма 1992—1993 йил қиш мавсумига қандай тайёргарлик кўриди? Ҳозирги кунгача бу борада қандай ишлар амалга оширилди? Маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, иш унчалик ёмон кетмаётганининг гувоҳи бўламиз. Масалан, режадаги уйлارнинг томларини, эшик-даразаларини ва бошқаларни таъмирлаш тўла бажарилган. Ҳатто сув қувурларини таъмирлаш режаси 620 фоизга адо этилган. Фақат уйлارнинг чекка хонадонларини таъмирлаш ва ойна қўйиш режаси бажарилмаган, холос.

Шунингдек, Яқкасарой районида режа бўйича 458 та кирриш эшиги таъмирланиши керак эди. Лекин ҳозиргача бу борада ҳеч қандай иш бажарилмаган. Шайхонтоҳур районида 1886 уйнинг биттасига ҳам ойналар қўйилмаган.

Агар шаҳар Ҳокими ижроия маҳкамаси томонидан тузилган ишчи гуруҳининг берган маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак, масала янада оидиллашади. Шунга кўра шаҳар уй-жой ҳўжалиги бўйича 1352 та уйнинг томи, 5201 та печкалар таъмирланди. 6769 та уйнинг иссиқлик тармоғи ювилиб, қишга тайёрлаб қўйилди. Яъни, уй-жойларнинг 90 фоизи қишга тайёр. Умуман олганда шаҳар уй-жой жамғармаси бўйича 82,7 миллион сўмлик тўла-тўқис ва 76,5 миллион сўмлик жорий таъмирлаш ишлари бажарилди.

Буларнинг ҳаммаси ахши, албатта. Лекин юқоридagi ишчи гуруҳининг таъкидлашча, бу борада баъзи бир ишлар бажарилмаган қолди. Унинг бажарилмаганининг асосий сабаби қурилиш материаллари ва маъсус анжонларнинг етишмаслиги ёки ана шу ҳам ашёларнинг нархи ошиб кетганидир. Масалан, шаҳар эҳтиёжи учун шу йил 955 тонна газ ва сув қувурлари, 4100 куб метр ёғоч, 50 тонна карбит, 1062 донна задалма, 21400 донна жўмрак, 800 минг квадрат метр линолум олинсини керак эди. Амалда эса шу кунгача бор йўғи 103 тонна газ ва сув қувурлари, 8 куб метр ёғоч, 14 тонна карбит, 769 донна задалма, 5259 донна жўмрак ва 5 квадрат линолум олишга муваффақ бўлинди.

Санаб ўтилганларнинг нархи тўғрисида биргина мисолнинг ўзи кифоя. Агар ўтган йили бир тонна карбит 500—550 сўмга олинган бўлса, бу йил унинг баҳоси 80—85 минг сўмга чикиб кетди.

Юқоридagi муаммо ва қийинчиликларга қараганда шаҳардаги турар жой бинолари қишга тахт кўрилади. Бунинг нақадар ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил қилиш ниятида биз пойтахтимизнинг Юнусобод районидаги иккита уйга кириб хонадон эгалери билан суҳбатлашдик.

— Мен бу уйда анчадан бери истиқомат қиламан, — дейди райондаги 4-маъво, 13-уй, 5-хонадон соҳибсига Ҳадича ая Мирзақаримова. — Агарда ёмғир ёки қор ёғиб қолса, бола-хона айвонидан сув сизиб, хонага қиради. Натижада киши билан уйимиздан чакка ўтади. Бу ҳол анчадан бери давом этиб келмоқда.

— Бу ҳақда бизга қарашли уй-жойлардан фойдаланиш бошқармасига бир қанча марта мурожаат қилдик, — деб суҳбатга қўшилди аянинг ўғли Мирза Тўров. — Ҳадеб бошқармага боравергандан кейин унинг устаси Тамара Руфина уйга келиб текшириб кетди ва бунга ишонч ҳосил қилди. Бироқ у «Материалларнинг йўқлиги сабабли томи бу йил таъмирлай олмайдимиз» деди.

Райондаги 19-маъво, 22-уй, 67-хонадонда яшовчи Уғилхон Аллазаровнинг шикоятга эса юқоридagiдан ҳам ошиб тушди. — Иккинчи гуруҳ ногиронлигини тўғридан давлат меънага 1986 йил шу райондан янги уй берган эди, — деди у. — Лекин азамат қурувчиларимиз янги уйга эски қувурларни қўйиб, боллаб топшириб кетган экан. Ҳозир унинг «хўзури»ни қуралибди. Баъзи пайларда шундай сув тоққини бўладики, боплаб топшириб кетган экан. Натижада деворга ёпиштирилган гулқозоғлар сарғайиб кетди. Уни ўзим бир неча марта ба алмаштирдим. Илоҳи бўлмаганидан кейин охири бўтдим. Уйнинг тагини пол қилдиришдиким, у ҳам чириб бўлди. Район мутасаддиларига бу ҳақда мурожаат қилдим. Улар уйни текшириб кетгандан кейин «бепул таъмирлансин» деб кетди. Лекин район уй-жойлардан фойдаланиш бошқармасидagiлар «У йўқ, бу йўқ» деб ўша қозонни йўқ қилиб юборди. Бир илоҳини қилиб 1500 сўмга канализация қувурларини алмаштириб олдим. Бироқ ҳали сув келадиган қувурлар янгилашсини керак...

Дарҳақиқат, биз фақат иккита мисолни келтирдик, холос. Бинобарин бундай гапларни яна кўплаб эшитиш мумкин. Тўғри, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида юқоридagi ташкилотлар ҳам қийин аҳволга тушиб қолган. Бунинг биз юқорида ҳам таъкидлаб ўтдик. Лекин барбир, нима бўлмасин, шаҳардаги турар жой бинолари қиш мавсумига шай туриши керак. Акс ҳолда ҳамшаҳарларимизнинг ҳаёли эътирозлари тугилиши мумкин.

Ғулом ЮСУПОВ.

МАВСУМБОП ПОЙАБЗАЛЛАР

О Бахтиёр Зоҳидов яқинда Тошкентдаги 2-пайабзал ишлаб чиқариш бирлашмасига бош директор этиб тайинланди. Бизнинг у билан суҳбатимиз корхона жамоасининг махсулот турларини ошириш, мавсумбоп пойабзаллар ишлаб чиқариш учун қандай режаларни амалга ошираётганини ҳўсуслида бўлди.

— Бизнинг соҳа бошқа соҳаларга қараганда айниқса оқсаб турибди, — деб ўз сўзини бошлади Бахтиёр Зоҳидов. — Аммо ҳарқат қилинса бу соҳада ҳам ана олдига чиқиш олмишимиз мумкин. Бунинг учун таъбиркорлик билан иш юритиш, замон талаби асосида янги иш усулларига ўтиш керак. Бинобарин, бирлашмамиз жамоаси энди ана шундай янги иш усулларига ўтапти. Бу тушунарли, албатта. Энди илгарингдек бир ҳил офк кийимлар чикармасдан, аҳоли талабини ўрганган холда, энг замонавий шикратли, икчам пойабзаллар тайёрлашга ҳарқат қилмайдимиз. Бир қанча технололаримиз, мутахассислар эл орасида юришди. Улар харидорларнинг талаблари, ҳоҳиш-истаклари билан яқиндан танишди. Уларнинг талабларини бизга етказди. Биз шу йўлга қараб иш кутамиз. Яъни дўкўнларда ўтмай, чанг босиб ётан эски офк кийимлар ўрнига, аҳоли дидига мос, замонавий пойабзал ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз.

Шу йил июль ойидан бошлаб кўзга ва қишқин мавсумга ўтдик. Чунки энди совуқ кунлар аниқлашиб келаётган. Харидорлар энди дўкўнлардан иссиқ пойабзалларни ишлашди. Биз эса шу йўлга қараб иш кўришимиз керак.

— Бахтиёр Шўкурович, бундан қичди сизлар янги иш усулига ўтишга тайёргарлик қилдингизми? Шунга яраша техникларга ҳам эга бўлсангизлар керак!

— Ҳудди шундай. Бугунги кунда цехларимиз Австрия ҳамда Италия фирмаларининг техниклари билан икхонланган. Уларнинг янги томи шундайки, жуда осонлик билан, холдаган пойабзални ишлаб чиқариш учун эҳтиёт қисмларини алмаштириш орқали янги пойабзаллар ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

— Энди ҳодимлар масаласида ҳам тўхталсангиз.

— Ҳодимлар масаласида, ҳеч қандай муаммо йўқ десек ҳам бўлади. Бирлашмага қошида тикувчи, бичувчи, янғичилик насбларини тайёрлайдиган ҳўнар-техника билим юрти фаолият кўрсатмоқда. Учуқлардан 1—3 йил ичида билим оладилар, касб сирларини ўрганадилар. Улар учун давомий таъмирлаш касбларга бирктилади. Улар учун йил давомида ишларга танлаган касби сирларини ўргатиб борадилар. Натижада ўқиниш тугатган ҳаётчиқ тўғридан-тўғри бирлашмага қиналмасдан ишларга кетади. Ҳодимларимизнинг асосий қисми маҳаллий ишлардан иборат. Бу эса келажакда бирлашмамизнинг янада ривожланишида катта замин бўлади.

Бобомурод ИИМОВ.

РАВОН ЙўЛЛАР

ДАРҲАҚИҚАТ, юрадиган йўлингиз равон бўлса борадиган манзилнингиз ҳам узоқ бўлиб туюлмайдди. Сиз тушган машина йўлида, текис йўллардан юриб, Сизни ҳеч уринтирмаган ҳолда кўзлаган манзилнингизга элтиб қўлади. Пийёда йўловчилар ҳақида-ку гапирмасам ҳам бўлади. Чунки ҳам теп-текис ва равон йўлда кечқуруллар фарзандларингизни етаклаб сайр қилганга қиша етсин!

Ҳа, равон йўлларни ҳар қанча таъриф ва тавсиф қилсангиз эришди. Ғўзал пойтахтимиз Тошкентда ана шундай йўллар бисёр. Аини шу кунларда у ёки бу қўчадан ўтиб қолсангиз ҳовури ҳақи тушмаган асфальт тўкаётган юк машиналарини бу асфальтнинг тезлик билан йўллар ва йўлчаларга ётқизаётган йўлзоллар меҳнатини кўриб қолсангиз. Ҳа, улар шахримиз чиройига-чиройи ярашми, аҳолига қудайликлар ярашми маъсудда йўлларни таъмирлаш, кўчаларни асфальтлаш ишларига ҳам муҳим аҳамият беришмоқда. Ёпибобарин уларнинг бундай саз-ҳаракатини тушуноқ керак. Чунки олдимида қишлоқ-йўриқли кўчалар турбди. У ҳамма наҳори шаҳар ҳўжалиги ҳодимлари учун, жумладан йўлзоллар учун ҳам ўзига хос имтиҳондир. Ана шу имтиҳондан ва сивондан муваффақиятли ўтиш шу кунларда режа билан амалга оширган ишларингизга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Суратчимиз Андрей Пинненко тасвирга туширган бу давраларда тошкентлик йўлзолларнинг шу кунларда амалга ошираётган иборатли ишлари тасвирланган.



КўЗНИНГ қанимат дамлари ўтиб бормоқда. Одамлар киши ташвишига тушиб қолди. Қировли-совуқ кунларга олиш эҳти (газ кирган хонадонлар албатта бундан мунасно) ҳалқимизнинг азали оdatи. Чиндан ҳам қишда дейдиган ёнлиги қидир юрганган кўра унинг чорасини олдидан ишлаган миғ бора афзал.

Ҳўш, шундай экан, ҳозир шаҳримиздаги мавжуд кўмир омборхоналарида аҳвол қандай? Ғамланган ва режа бўйича келтирилмаётган ёқил махсулотларга аҳоли эҳтиёжини тўла таъминлай оладими? Авқи қиш палласида сансалорликка йўл қўйилмайдими? Шу каби қатор саволларга жавоб топшиш учун Тошкент шаҳар ўрмон ҳўжалиги махсулотлари, қўрилиш моллари ва кўмир билан савдо қилиш ташкилотига («Ташгорлестройтоп-торг»)га йўл олдик.

Ташкилот бошлиғи Носир Умаров бизни қизиқтирган саволларга умумий қилиб: «Шаҳар аҳолисини совуқ кунларда кўмир махсулотлари билан етарли миқдорда таъминлаймиз. Бунинг учун бизда барча имкониятлар мавжуд» деган жавобни берди. Табиийки, шу ўринда муштарийларда ўша имконият нимагадир иборат экан, деган ўринли савол туғилди. Бунга жавоб тариқасида қўйидагиларни келтирмақчимиз.

Авалло барча омборхоналар қишга шайланди. Йил бошиданқў уларга режа билан кўмир тақсимланди. Тақсимот даврида ҳар бир омборхонанинг миқозларини сонига алоҳида эътибор берилди.

— Афсуски, бизда кўмирнинг олдидан гамлаб бўлмайдди. Чунки узоқ туриб қолса, сифати ва иситиш қувватини анча йўқотди. Шунинг учун уни қулниқ эҳтиёжга яраша олиб келишга мажбуримиз, — дейди Носир Умаров. — Бунинг тўғри тушуниш учун бир мисол келтирай. Масалан, эс олларда миқозлар сон кескин камаяди. Харидор йўқлигидан омбордаги кўмирлар офтобда қовнаиб ётади. Куз ва қиш бошлангани билан эса омборхоналаримизга одам синаймади. Тақсимотнинг ҳам худди шунга қараб белгилаймиз.

Бу савдо ташкилотининг бир йиллик кўмир олиш миқдори 142 минг 400 тонна ташкил этади. Шунча ёқилнинг ҳаммаси Ангрэн кўмир конидан келтирилади. Олдин бу қўрсаткичга Қарағанда ва Кемерово шахтёрлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишади. Бозор иқтисодиёти уларнинг махсулотидан воз кечиниш талоқо эди. Чунки бу шахтёрлардан келтириладиган кўмирнинг нархи ой сайин эмас, ҳатто қунама-кун ошиб борибди. Ҳўла-тошмаси 45—55 сўм атрофида бўлган махсулот бир сакраб 2,5—3 минг сўмга қичиб қолди. Ҳўш, шундай нарҳда уни қалқча сотиб бўладими? Йўқ, албатта. Бу масала ташкилот раҳбарлари олдига катта муаммони қўйди. Уни эвдик билан ҳал этиш керак эди. Қараб ўтишга эса вақт йўқ. Ҳалқини ўз вақтида кўмир билан таъминламай кўр-чи?

Шундай қилиб шу йилнинг биринчи чоригача Қарағандадан 3 минг 300 тон-

на, Кемероводан эса 8 минг 482 тонна кўмир олинидую улар билан алоқа узилди. Энди бутун умид Ангрэндан эди. Қанча югур-югурлардан сунг кўзлаган маъсудга эришилди. Бу жойдан ўтпа юқорида номлари зикр этилган икки шахтёрдан келтирилган кўмир миқдорини қоплайдиган даражада махсулот олиндиғани бўлди.

— Бироқ шу йилнинг 17 августидан бошлаб Ангрэнликлар ҳам бир тонна махсулот 461 сўм бўлганлигини маълум қилишди, — дейди Носир Умаров сўзини давом эттириб. — Бунга транспорт харажатлари ва ортши-тушириш ишлари ҳам қўшилди. Шунинг учун биз ҳам аҳолига кўмир сотиш нархини оширишга мажбур бўлдик.

Бизни қўйидагидан яна бир муаммо бу транспорт масаласидир. Нега деганда, Ангрэнда у мулдатда ортинган кўмир вагонлари ҳеч қачон омборхоналаримизга вақтида етиб келмайдди. Ик-

қарашли кўмир омборхоналаридаги аҳвол билан ҳам яқиндан танишдик. Миқозлар билан галландик.

2-омборхона Чўқурсойда жойлашган. Унга Нодирхон Ёқубов бошчилик қилади. Эрталаб бўлишига қараман эшик олди миқозлар билан гавжум. Лекин омборхона олинмаган. Сабабини сўрасак, мудири Тошкент транспорт агентлигига қарашли машиналар назоратдан ўтараётганини айтиди. Шунинг учун улар бутун ишга келишмабди.

Биз тушганда омборхона иши билан қизиқдик. Афсуски шу вақтгача ҳам бирон та машинанинг қораси кўринмади. Шу кунги кўмирга келган миқозлар машина кута-кута тоғларга тўқ бўлиб, уйга қуруқ қайтишни, 18 сентябрь кунини 816 тонна кўмир олганди, — дейди Н. Ёқубов. — Ҳа, кун 156 тонна, артасига эса 375 тонна (шу кунга белгиланган миқдордаги ма-

чиси Рихсиб Холматов. — Биз Акмал Икромов, Сергели, Чилонзор районлари аҳолисига хизмат кўрсатамиз. Миқозларимиз узоқ йўл босиб бу ерга аранг етиб келишди. Аммо омборхонамизгача бирон та маршрутли транспорт қатнамайдди. Бу томонга келадиганлари эса 1,5—2 километр узоқлиқдан орқага қайтишди. Ахир наҳрилар, болани аёллар шунча йўлни пийёда босиб ўтишни осонми? Ана йўлнинг носозлигини айтмайсизми, ёзда чанг, қишда лой. Энди шунча уноубат билан омборхонамизга келган миқознинг машина йўқ, деб қайтариб юборишни айтиш. Афсуски, баъзи ҳодимларда шундай қилишга мажбур бўлишимиз, — дейди омборхона мудири Аҳмадjon Одилов.

Афсуски шу кунги ҳам шундай ҳол рўй берди. Эпини қилган миқозлар ўз ҳам-ёларидан четдан машина ёллаб улущини олиб кетишди, қолганлари эса қуруқ қайтишди.

— Рисовийдаги 1-омборхонада кўмир бор, олувчи йўқ.

— Нега бундай? — ҳайрон бўлиб сўраймиш сотувчи Сайфидин Носировдан.

— Тушгача келган миқозларимиз олиб кетишди.

— Балки қўнчилик кўмир борлигини билмай қолгандир?

— Бизда махсулот мунтазам бўлади. Шунинг учун буюртмачиларга ўз вақтида кўмир юклатиб тураемиз. — Сизларда ҳам буюртмачиларга махсулот етказиб беришдаги оралқ мўддат 40—45 кун қилиб белгиланганми?

— Шундай. Лекин бизда бутун келган киши шу кунчиқ керакли махсулотини олиб кетиши мумкин. Бунинг учун имкониятимиз бор.

Омборхона Миробод, Ҳамза, Бектемир, Мирзо Улуғбек, Яқкасарой районларидаги хизмат қўрсатқан. Кўриб турибсизки, унинг хизмат доираси анча кенг.

* Олий ўқув юрларида

Рейтинг усулининг афзалликлари

МУСТАҚИЛ республикамиз аҳолисида сиддиқидан хизмат қиладиган малакали шифокорлар етказиб бериш шу куннинг асосий вазифаларидан биридир. Бу борада 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтинида хайрли ишлар амалга оширилляпти.

Шу пайтда шифокорлар собиқ Иттифоқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Халқ таълими комитети томонидан тасдиқланган режа ва дастур асосида тайёрланаётган эди. Бинобарин, мазкур ҳужжатларда республикамизнинг ўзига хос жиҳатлари, халқ аъзолари ва бошқа хусусиятлари инобатга олинмаган. Жаҳонда энг қисқа муддат, 5-6 йил икки саломатлиги муҳофазасида қилишдек маъсул вазифани бажарувчи мутахассислар еттиштириб чиқарилиши албатта талаба жавоб бермас эди. Оқибатда йиллар давомида халқимизда тиббиёт ходимлари ишидан қониқмаслик, норозиликлар юзага келди.

— Хориний юртлаб тиббиётини ўрганиб, таҳлил қилишимиз бундай ўқитув самарасиз эканлигини кўрсатди, — деди институт ректори, профессор Ҳамид Ҳудобич Қаринов. — Шу бонс жамоамиз биринчи навбатда Республикани Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда олий тиббиёт муассасаларида мутахассислар тайёрлашга мўлжалланган йилдан йилга ўтказди. Намчликларини йўқитиш мақсадида кўп бошқичли таълимга ўтдик. Масалан, даволаш факультетида йигит-қизларни 7 йил ўқитиб, умумий амалиёт билан шуғулланидиган шифокорлар тайёрлаймиз. Агар улар махсус мутахассисликка эга бўлмоқчи бўлсалар диллом олганларидан сўнг яна 2-5 йил қўшимча ўқишлари мумкин. Бу эса ривожланган давлатларнинг андозаларига тўғри келади. Шунинг алоҳида таъкидлаш зарурки, таълим сифатини яхшилаш учун илгари кўпроқ ўқитувчилар малакасини ошириш, бўлимлар, кафедралар моддий-техника базасини яхшилаш ҳамда ўқув-методик жараёнларни жонлантириш билан шуғулланиб келдик. Чет эл тажрибасини ўрганишимиз булар етарли эмаслигини кўрсатди. Жамоа шундай хулосага келдики, йил давомида билимини такомиллаштириб бориш, ўтилайётган дарсини қатъий назорат остига олиш, энг муҳими имтиҳон олувчинини талаба субъектив таъсиридан инкор этиш, яъни одинаётган баҳонини объективлаштириш орқалигина яхши самарга эришиш мумкин.

Шу тарафга ўтган ўқув йилидан бошлаб республикамиздаги тиббий олий ўқув юрлари қанда биринчилардан бўлиб рейтинг усулига ўтишга киришилди. Бунинг учун қўйилган давлатларнинг тажрибалари ўрганилди, таҳлил қилинди, бўлим, деканат ва кафедралар катта ташкилотчи ишларини олиб боришлар. Институт ректори бир неча марта талабалар билан йилгилиш ўтказиб суҳбатлашди. Москва тиббиёт академиясидан таклиф этилган етуқ мутахассис эса семинар чоғида методик тавсиялар берди. Шундан кейингина махсус йилдан йилга қилиб, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги методик кабинетининг муҳофазасига қўйилди.

Ҳўш, рейтинг системасининг афзалликлари нималардан иборат? Энг аввало шунданки, талаба йил давомида ўзининг фаиларини қандай ўзлаштирганини назорат қилиб бориш имкониятига эга бўлади. Бунинг бонс, бутун таълим жараёни, ҳам назарий, ҳам амалий томонлари эътиборга олиниб, балл қўйиш орқали баҳолаб борилади. Синов имтиҳонлари эса фақат ёзма равишда қабул қилиниб, унга ҳам балл берилади. Талаба белгиланган дастурини яхши ўзлаштириб, керагича балл тўлашга эришса, синов имтиҳонларига кирмаслиги ҳам мумкин. Имтиҳон топширувчилар эса мабодо тушган саволларга қўнғилдагидек жавоб бермай, керакли балли ололмади қўлсалар, унда кафедра томонидан тандим этилган характеристика инобатга ўлади (унга ҳам маълум балл қўйилади). Кўриб турибсизки, талаба ўз билим доирасини яққол сезиб, яхши ўқишга интиляпти боради.

Институт ўқув-методика бўлимининг бошлиғи Любовь Михайловна Глинянованинг таъкидлашига кўра синов имтиҳонларини ёзма равишда топшириш яхши самара берапти. Унинг фикрича, илгари гуруҳларда аъло баҳо олувчилар кўп эди. Энди эса камайди. Лекин ҳаққоний билимга интиляётган йигит-қизлар анча кўпайган. Ўқув заллари аввалгига нисбатан гажуқмаллашди, талабалар ўз устларига кўпроқ ишлашляпти. Улар баҳо учун эмас, юқори билим олишга ҳаракат қилишляптани яққол сезиб турибди.

Очиқ тан олиш керакики, рейтинг системаси кўп излашнинг талаб қилади. Шу бонс ҳам унинг бераётган самараси қувончлидир. Мазкур ўқув йилида 1-курс талабалари бу усулга тўлиқ ўтишди. Уларга компьютер техникаси бўйича ҳам машғулотлар ўтиляпти. Рейтинги системаси ҳақида методик китобчалар тарқатилди. Бу — биринчи бошқич эканлигини таъкидлаш зарур.

Айни пайтда эса институтда тест назорати ишлаб чиқилмоқда. Талабалар синов имтиҳонларини тестлар ёрдамида ҳам топширишади. Улар саволларнинг камда 75 фоизига жавоб беришларига белгиланган дастурини ўзлаштирган ҳисобланадилар. Бундай усулнинг қўлай томони шунданки, шифокор бўлишни орау қилган йигит-қизлар тез фикрлашга, мураккаб вазиятларда тўғри жавоб топшга одаллашиб боришади.

Биз тилга олаётган бу янгиликни жорий этишда айниқса билим даргоҳидаги умумий гигиена, биохимия, нормал анатомия кафедраларининг жамоалари фаолият кўрсатишляпти. Муаллимлар кенгашлари мазкур усулда ўқитиш 20—30 фоиз имкониятини ишга солади, деб хулоса чиқармоқдалар.

Савдулла ШОДНОВ.

* Футбол МУХЛИСЛАРИНИ ШОД ЭТИШДИ



СУРАТДА: «Ташселимаш» терма жамоаси ўртоқлиги учрашуви олдидан. Мави Кокарев сурати.

Осоийшталлигимиз посбонлари бўлими милиция ходимларининг оғир ва маъсуляти ишларини ҳар қандай рағбатлантисрак ағрийдн. Зеро, уларнинг сизу бизнинг уйда ҳам, шу жойимизда ҳам хотиржам юришмишимиз таъминлашларининг ўзиниқ жуда катта савобга лойиқ. Милиция ходимларининг ижтимоий ҳимосини янада яхшилаш, район ички ишлар бошқармасининг моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш, ички ишлар органларида узоқ муддат хизмат қилган меҳнат фаришларига моддий ёрдам кўрсатиш яхшилаш, муниципал милиция ходимларини маълум таъминлаш ҳамда жинсийчиликка қарши курашнинг олдинги сафарларида хизмат қилётган ходимларнинг шарафли, аммо оғир меҳнатларини рағбатлантириш мақсадида Мирзо Улуғбек район ҳокимлиги ҳамда шу район ички ишлар бошқармаси чоғида фаолият кўрсатётган «Тартибот» ижтимоий жамоат фонди томонидан тайрли ишга кўл урмдди. Яъни, юқорида тилга олинган ташкилотлар ўзаро ҳамкорликда «Тартибот» деб номланувчи янги пул-буом лотереясини тайёрлади. Лотереяни чикариш учун сарфланмиш хусусида муҳбиримиз Мирзо Улуғбек район Ички ишлар бошқармаси бошлигининг шахсий тартиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, тираж комиссиясининг аъзоси, милиция майори Этур Жўраев билан мулоқотда бўлди.

* Янгиликдан хабаринииз борми?

«ТАРТИБОТ» ЛОТЕРЕЯСИГА— «ЖИГУЛИ» ЮТУҒИ

— Этур Пармонович, ҳақиқатан ҳам хайрли мақсадлар ила лотереяни чикариб жуда яхши ишга кўл урибсизлар. Айтгинчи, лотереяни ташкил этиш гоёси қандай тугилди?

— Нафсиламбирини айтганда, республикамизда илк бор бундай лотереянинг тиражи Наманган районида 1991 йил ўтказилиб, ўша хуададаги ички ишлар хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда анча ижобий роль ўйнаган эди. Биз бундан руҳланган дестлаб ўтган йили районимизда шундай лотереяни чикариш фикрини кўтарган эдик. Чунки Мирзо Улуғбек районуи шаҳар районлари ичидан энг катталаридан бири ҳисобланади. Жинсийчилик ҳам шунга яраша деганлариди, криминал ҳолат анча оғир.

Шунинг учун жинсийчиликка қарши йўл сифатида лотереяни ташкил қилишга, жинсийчиликни камайтиришга қўшган хиссасига қараб энг яхши ходимларимизни моддий жиҳатдан рағбатлантириш ичидан йўллайлик. Бирок маблаг масаласини ҳал этишнинг иложи бўлмаганлиги сабабли ўтган йили Бу иш тўхтаб қолган эди. Районимиз ҳокимига «Тартибот» лотереясини чикариш гоёсини билдирганимизда эса у бу фикрни жуда яхши қабул қилиб, ҳэр томонлама қўллаб-қувватлади. Натижда 1992 йилининг 16 июлида район ҳокимлиги Мирзо Улуғбек районуи ички ишлар бошқармасининг молиявий ва моддий-техника таъминотини яхшилаш мақсадида «Тартибот» пул-буом лотереясини чикариш

ҳақида қарор қабул қилди. Тиражни тайёрлаш ва уни ўтказиш учун район молия бўлими 1 миллион сўм пул ўтказди. Умуман, тираж ишини йўлга қўйиш, ташкилий масалаларни ҳал қилишда район ҳокимининг ёрдами катта бўляпти. Шу йил 25 декабрда Тошкентда ўйналадиган ушбу лотерея 500.000 дона чикарилган бўлиб, нархи 50 сўм.

— Ҳўналик ҳисоби ва эркин бозор муносабатларига ўтишдан ҳозирги пайтда айниқса жамоат фондларининг ҳомишлик йўли тобора ошиб бормоқда. Шу ўринда районимизда ташкил этилган «Тартибот» ижтимоий жамоат фонднинг фаолият кўчиликни қизиқтириши ва ўрнак олишга ундаши табиқий...

— Ҳақиқатан ҳам, 1989 йили район ИИБ қошида «Тартибот» фонднинг ташкил этилиши билан ходимларимизни моддий томондан рағбатлантириш, бошқармасини техник жиҳозлаш учун катта имкониятлар тугилди. Жумладан, лотереянинг йили ҳам шундан олинган. Ва у ижтимоий-жамоат фондига негизда район ҳокимлигининг бевосита ёрдамида ташкил этилди. Мирзо Улуғбек районуи ИИБ бошлиғи Ю. Ф. Самшова эса фонднинг раисини этиб сайлаган.

— «Тартибот» лотереяси қарларда ва қачондан бошлаб тарқатилди? Унда ўйналадиган ютуқлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Лотереяни тарқатиш ишлари ўтган ҳафтадан бошланди. Ва уни шахримиздаги барча ички ишлар бошқармалари,

бўлимлари ва бўлимларидан ҳарид қилиш мумкин. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, лотерея фақат ички ишлар бонсидан унун чикарилди. Мабодо ортиб қолган тақдирдагина дўконлар орқали тарқатишимиз мумкин. Тушган маблагнинг 60 фоизи ютуқларга сарфланадиган «Тартибот» лотереяси тиражидан иштирок этиш омади чоған кишилар «Жигули», «Москвич» ҳамда «Запорожец» автомобиллари, юмшоқ ошона мебеллари, видеомагнитофонлар, телевизор, кир ювиш машиналари, музлатгичлар, фотоаппаратлар, гитлар ва палослар, шифер, гишт ва тахта каби қурилиш материаллари, пул ва бошқа ютуқларнинг соҳиб бўлишлари мумкин.

Район бошқармасини техник анюмлар билан жиҳозлаш, молиявий томондан мустаҳкамлаш билан бир қаторда лотереяни чикаришдан биз ютаётган энг муҳим томонлардан яна бири шундан иборатки, районимиз ҳудудида 75 кишидан иборат муниципал (кўшимча) милиция отряди патрул пост хизмати ва ДАН йўналишида фаолият кўрсатади. Жинсийчиликнинг олдинги олиш ҳамда унинг фош этилишини яхшилашда, жамоат тартибини сақлаш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда муниципал милиция салмоқли хисса қўшмоқда. Муниципал милиция учун маблаг асосан район бюджетидан ажратилади. Лотереядан тушган фойда эътиборга эса унга бир қанча вақтгача ИИБ томонидан маблаг ажратилиши имкониятига ҳам эга бўляпти.

— Кўришимиздан жинсийчиликка қарши кураш ишларини анча мустаҳкам йўлга қўйган кўриясизлар.

— Умуман, мактанни эмас, бу борада районимиз ҳокими билан ҳамкорликда бир-бирини тўла тушуниб иш олиб бораётганимиз жуда қўл келмоқда. Айниқса, ташкилий масалаларни ҳал қилишда район ҳокимлигининг ёрдами катта бўляпти. Жумладан, жинсий ҳодисаларнинг олдиншини тезлатиш, аҳолига янада кўпроқ қўлайлик яратиш мақсадида 4-Қорасу маъсисада унчинчи шаҳар милиция бўлимини ташкил этидик. Бунинг учун илгариги поликлиника биноси ажратилиб таъмирлаш ишларига 500 минг сўм сарфланди. Бундан ташқари Володарский кўчасидаги қўриқлаш бўлимининг янги биносини таъмирлаш ишлари учун район ҳокимияти 200 минг сўм пул ажратди. Жамоат тартибин сақлашда айниқса турли қорхона ва ташкилотларнинг ёрдамлари ҳам катта самара бераляпти. Айниқса, 2519-автокотолонна, 8-автотабза, «Тошшаҳртрансэкспедиция», «Турист» автобазаси, Фанлар академияси қошидаги автобазаларнинг эҳтижларини миз учун транспорт ажратётганидан жуда миннатдоримиз. Шунингдек, жамоатчилик ҳам жинсийчиликни очкинда иштирок этиляпти. Зеро, «Елғиз отнинг чағи чиқмас, чағи чиқса ҳам доғи чиқмас», деганларидек ҳозирги шароитларда ҳамкорликсиз қўлингизга бермасдан самарали фаолият юритиш жуда мушкул.

Сўзбатдош Дилшод ИСРОИЛОВ.

ТИЖОРАТ ЖАБОЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ САРОИДА

23 ОКТАБРЬ соат 18.00 да

24, 25 ОКТАБРЬ соат 14.00 ва 18.00 да

БИРГА БУЛСАК ОЛАМ ГУЛИСТОН

Ўзбекистон пойтахти қасаба уюшмалари муқофотининг биринчи совриндорларининг концерти

Ғиёс Бойтоев,

Обид Асомов,

«Ялла» ансамбли

ЯНГИ ҚУШИҚ ВА ХАЗИЛ КЕЧАСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИЛАР.

Жамоа бўлиб келишга буюртмалар қабул қилинмоқда. Муурожаат учун телефонлар: 56-76-97, 56-85-76. Чипталар Халқлар Дустилиги саройи кассасида ҳар куни соат 11 дан сотилмоқда.

«ХОНОБОД»

КООПЕРАТИВИ

тикувчи-моторчи (аёллар); поёбазалилар; поёбазалининг устки қисмини тайёрловчилар; қорювларли

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Хизматчиларни ишга ва уйларига қорхона транспорт этиб қўяди.

Мулоқот учун телефонлар: 44-18-52 (соат 8 дан 10 гача) ва 44-02-70, 76-47-63 (соат 18 дан 23 гача).

Ташкилотлар, қорхоналар ва кооперативларнинг раҳбарлари диққатига!

«ШАРҚ»

НАШРИЕТ

МАТБААЧИЛИК

КОНЦЕРНИ

идора китоблари, ҳар хил ён дафтарчалар, китобча ҳолига келтирилган босма иш қоғозлари, концертлар ёзиш учун дафтарлар ва бошқа қоғоз махсулотларини

ТАЙЕРЛАБ БЕРАДИ ВА СОТАДИ

Махсулотлар олдиндан ҳақ тўлаш шартларида ва нақд пулга сотилади.

Қўйидаги манзилга муурожаат қилинсин: Ленинград кўчаси, «Шарқ» нашриёт - матбаачилик концернининг хизмат бонси.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-58-72, 33-84-78, 33-90-50.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЦИРКИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

3 октябрдан бошлаб

БАРЧА ЦИРК САНЪАТИ ЖАНРЛАРИ ИШТИРОКИДА

2 бўлимдан иборат

КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

Томошаларда ўргатилган ҳайвонлар гуруҳи: отлар, айиқлар, бўёма илонлар ва кучуқлар қатнашади.

Томошалар шанба кунлари соат 14 ва 17.00 да; яқшанба кунлари — соат 13 ва 16.00 да бошланади. Касса соат 10 дан 18.00 гача ишлайди.

Оммавий талабномалар қабул қилинади. Қишлоқ аҳолисининг талабномалари бўйича навбатдан ташқари хизмат кўрсатилади. Цирк фойеида шошилинч сураткашлик устaxonаси ишлаб турибди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.



33-29-33 — Солиҳ ЕҚУБОВ, муҳаррир ўринбосари

33-57-02 — Раҳматулла ФАЙЗУЛЛАЕВ, масъул ютуб

33-53-21 — Марғуба АЙРОМОВА, масъул китоб ўринбосари

БЎЛИМЛАР

© Ижтимоий-сиёсий муаммолар

32-55-83 — Дилшод ИСРОИЛОВ, муҳир

32-54-34 — Муҳиддин БОСОРОВ, муҳир

32-54-34 — Гулзода МАМБЕТОВА, муҳир

© Иқтисодий ва ҳаёт

32-57-84 — Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ, муҳир

32-58-85 — Бобомурод ИМОМОВ, муҳир

32-54-34 — Гулном ЮСУПОВ, муҳир

© Фан, маданият ва ахлоқ

32-54-19 — Савдулла ШОДНОВ, муҳир

32-55-52 — Абдумалик АБДУРАҲИМОВ, муҳир

© Адабиёт ва санъат

32-53-10 — Темур УБАЙДУЛЛАЕВ, муҳир

32-53-66 — Суният АЗАРОВ, муҳир

© Ахборот ва спорт

32-53-66 — Шухрат ЗОКИРОВ, муҳир

© «Маҳаллада» иловаси

32-55-32 — Зоир ТУРСУНОВ, муҳир

© Хатлар

31-29-70 — Зухра АЪЗАМҲУЖАЕВА, муҳир

© Ёълонлар

33-81-42, 32-57-27

© Шошилинч ёълонлар хизмати.

31-08-57.

Тошкент оқшоми

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кунни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79;

ёълон ва тижорат хабарларини жонлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Ёълонлар ва тижорат хабарларини аниқ ва тўғрилиқ учун жавобгарли уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмаxonаси.